БОЛА БЎЛОЛМАСАК – БАРЧАСИ БЕКОР!



Ориф ТЎХТАШ

Болаларбоп асар ёзишнинг ўзи бўлмайди, бунинг залвори бошқача. Бир қарашда, болаларга бағишлаб ёзилган асарларни, айниқса қисқа ва ўйноқи шеърларни ўқиркансиз, улардаги ўта оддий сўзларни кўриб, "шуям иш бўлдими?" дегувчилар ҳам топилади. Аммо, барчамизни мана шундай азамат адабиёт бағрига бошлаган, сўзга бўлган меҳримизни оширган айнан болалар адабиёти эмасми?!

Мендан кўпинча "нега болалар ижодкорлари кам?" деб сўрашади. Мен бўлса, "қайси замонда болалар адиб-у шоирлари кўп бўлган?" деган саволни жавоб тариқасида бераман. Аслини олганда, мана шу савол-жавобнинг ўзи ҳам болаларга бағишлаб ижод қилиш жуда енгил вазифа эмаслигини тасдиқлайди, назаримда. Қолаверса, бунинг учун ижодкор дегани аввало, болалик тасаввурларини йўқотиб қўймаслиги керак.

Хуллас, ўтган 2017 йилда чоп қилинган болалар нашрларини бир кур назардан ўтказадиган бўлсак, мен устоз ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг болалар тили билан айтганда сермағиз шеърларини ўқиб, аксариятини ёд олиб, шундай хулосага келганман. Ҳар бир шеър – аслида бир топилма бўлиши керак. "Ғунча" журналида чоп қилинган туркум шеърларидан мисол келтираман. Тасаввур қилингки, карам тилга кириб, шундай демоқда:

Менга совуқ қилмас кор,
Қават-қават тўним бор.
Фақат тўнни мен қари –
Кийволибман тескари!

"Чумолининг мақоли" деган шеърни кўринг:

Ёз бўйи ишлаб,
Қиш бўйи мудра.
Нимани топсанг –
Уйингга судра!

Ориф ТЎХТАШ – 1976 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетида таҳсил олган. Унинг "Ғунчалар табассуми", "Қуёш йўли", "Кўнгилга ташриф", "Ватан атри" номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

Сизда қандай билмадим, аммо мен ҳозир мана шу шеърларни ўқяпман-у айни шу кезда ёдимга муҳрланиб бўлганини ҳам ҳис қилиб турибман. Мана, асл ижод маҳсули қандай бўлиши керак.

Чинакам шеър барибир ажралиб тураверади. Мисол тариқасида шоир Неъмат Душаевнинг "Тонг юлдузи" газетасида чоп қилинган "Кетмон" номли шеърини олайлик:

Экинларни юмшатиб,
Ҳаттоки лой қораман.
Бекор турмай овулга –
Ҳашарга ҳам бораман.

Мен деҳқонга мададкор,
Меҳнат қилиб толмангиз.
Юзимга оёқ қўйиб –
Пешонангиз ёрмангиз!

Бу шеърда кетмоннинг вазифалари оддий сўзлар билан санаб ўтилиш баробарида ўзига хос ҳажв билан тугалланган, ажойиб парадокс ҳосил қилинган! Топилмага қойил қолмасдан илож йўқ!

Шу ўринда болалар нашрларида чоп қилинган болаларнинг севимли шоири бўлган Абдураҳмон Акбарнинг туркум шеърларини ўзга бир мароқ билан ўқиш мумкин. Шоирнинг биргина "Сўзловчи ёмғир" шеърининг ўзиёқ ўқувчи тасаввурларини жонлантириб юборади. Шеърда ёмғир тилидан айтилган шундай сўзларга дуч келамиз:

Ишим ўзи шунақа,
Ҳамма жойга ёғаман.
Қариндошман қор билан,
Шудрингвойга тоғаман.

Яйловдаги суруvдек
Кўкда кезиб юрсак ҳам.
"Бизлар асли Ерликмиз" –
Дейдилар Булут онам...

Ҳазиллашиб – тортқилаб,
Майсалар қулоғидан.
Ғубор-чангни ювaман,
Гулларнинг япроғидан.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг газета ва журналлар саҳифаларида чоп қилинган туюқларга ҳамоҳанг бўлган болаларбоп туркум иккиликларини айтиб ўтмоқчиман. Улар топилмаларга бойлиги ҳамда мурғак тасаввурда туриб битилганлиги билан эътиборингизни тортади. Қолаверса, бу жажжи иккиликлар "Эркатой – эрка той" номи остида китоб ҳолида ҳам чоп қилинди. Мисол тариқасида "Чувалчангнинг ҳайрати" шеърини келтираман:

Ота-онам тинмай ер,
Тугаб қолмасмикан Ер?!

Ё бўлмаса "Тулкихоннинг укасига дашноми"ни эшитамиз:

Қанақа бетартибсиз?!
Думимга бет артибсиз!

Шунингдек, газета ва журналлар саҳифаларида Дилшод Ражаб, Содиқжон Иноятов, Хуррам Раимов, Қамбар Ота, Одил Абдураҳмон, Кавсар Турдиева, Худойберди Комилов, Кўзи Исмоил, Туроб Юсуф, Олқор Дамин, Эрназар Рўзиматов, Яҳё Тоға, Нурилла Остон, Туроб Ниёз, Раим Фарҳодий каби шоирларнинг туркум шеърларини ҳам завқ билан мутолаа қилиш мумкин. Бундан ташқари, "Гулхан" журналида жаҳон болалар шеъриятидан таржималар берилаётир. "Ғунча" журналидаги "Шеърмунчоқ" ҳамда "Гулхан"даги "Нишона" рукни остида берилаётган бир қанча ёш қаламкашлар ижодида ҳам янгича ёндашувлар сезилиб турибди.

Яна бир гап: "Ғунча" журналининг аксарият сонларида ўз ижодидан намуналар бериб келаётган Дилфуза Камолжонова ҳамда Азамат Худойбергановларнинг кўпгина шеърларида самимий мисраларга дуч келдим.

Ўзимнинг ёзганларим қай даражада, билмадим-у, лекин мен бир шеърхон сифатида бирор ташбеҳсиз, ногаҳоний топилмаларсиз ва шу билан бирга, қуруқ панднасиҳатга йўғрилган битикларни шеър ҳисобига киритолмайман. Афсуски, нашрларимизда бу турдаги ёзишмаларни қоплаб учратиш мумкин.

Шу ўринда яна бир мушоҳада: "бугунги кунга келиб, яъни болаларга бағишлаган асарлар сийраклашиб кетяпти" деган сўзларни эшитган бир қанча шоир-ёзувчиларимиз бу майдонга "от солишди". Бир томондан қараганда, бу ҳолатдан хурсанд бўласан, киши. Бироқ, "ёзаётган сўзларимни яна бироз соддалаштирсам бўлди – мана, сизга болалар шеърияти" қабилида ёндашиш асло ярамайди. Чунки бу ўринда жондан азиз ука-сингилларимиз-у фарзандларимизнинг бутун адабиётга бўлган нурли тасаввурлари турибди ва уларнинг хиралашувига сабаб бўладиган асарлар битишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

2017 йил мобайнида турли нашриётларда чоп қилинган болалар шеърияти йўналишидаги бир қанча китоб қўлимга тушди. Хусусан, шоира Гуландом Тоғаеванинг "Мен излаган кема", Очил Тоҳирнинг "Ҳарфлар жамланмаси", Милтиқбой Хонназаровнинг "Булбул бўлиб сайрайман", Зуҳро Бегимнинг "Юртимиз ниҳоллари" ҳамда Набижон Эрматнинг "Ғаройиб қўшиқлар" номли рисолалари. Мазкур китобларга киритилган шеърларда ҳам болалар ҳаётидан олинган шингил лавҳаларга дуч келасиз.

Бироқ бир сўзни такрор ва такрор айтишга тўғри келмоқда: *болалар учун бирор асар ёзишга киришдикми, бу жараёнда бола бўлолмасак, болаларча фикрлай олмасак, уларнинг нигоҳи билан дунёни кўра олмас эканмиз бу йўлда қилган барча ҳаракатларимиз бекор!* Айни шу мақсадда мақола сарлавҳасини ҳам ушбу сўзлардан изладим.

Ҳа, айтгандай, бутун умрини мана шу нурли йўлга бахш эта олган устоз ижодкор Турсунбой Адашбоевнинг айнан болаларга шеър ёзиш машаққатини тўлиқ акс эттирган бир туркум шеърлари ҳам бор.

"Кигиздан қозиқ ясаб,
Харсанг узра қоққандай".
Болалардай завқланиб –
Оламга илк боққандай.
Кутилмаган қофия
Кўкда чақмоқ чаққандай!..

Яхши китоб учраса
Қайси бола суюнмас,
Суратлардан завқланиб,
Такрор ўқиб, тўйинмас?!.
Кичкинтойга шеър ёзиш
Ўйинчоқмас, ўйинмас!

Бу албатта, шоирнинг катта шеъридан бир парча, холос. Аммо шугина парчадан ҳам болалар шоири бўлишнинг бор масъулияти бўй кўрсатиб турибди. Устоз ижодкор билан ҳаётлик пайтларида шеърий айтишмалар қилиб турардик. Устознинг юқорида ўқилган шеърига шогирдлик эркалиги билан, назира йўсинида давом ёзган эдим. Мақола сўнггида хулоса ўрнида ҳам қабул этиш мумкин бўлган ушбу шеърни келтирмоқчиман.

"Кичкинтойга шеър ёзиш,
Ўйинчоқ, ўйин эмас".
Лек Турсунбой оғага
Бу иш кўп қийин эмас.

Тааажжуб, бир қарасанг,
Ёш болага дўнади.
Яна бир боқсанг соч-у
Қошига оқ қўнади.

Кичкинтойлар тилини
Ўзлаштирган боладай.
Сал кам саксон баҳорни –
Қарши олган "болакай".

Неваралар туришса –
Бироз гапга бўйсунмай,
Дейди, – келинг, ўйнаймиз,
Менинг отим – Туйсунбой!

Болалайга бағишлаб,
Шеъй ёзаман, биласиз,
Улайни ўқиганда
Қиқий-қиқий куласиз.

Сиз хайхаша қилманг кўп,
Жаҳлим чиқса койийман,
Дўстингизман ва яна –
Туйсун деган шойийман!

Бир умр болажонларга қувноқ шеърлар ҳадя этиб, ўзи ҳам беғубор ва самимий болага айланиб кетган севимли шоиримиз, устоз Турсунбой Адашбоевнинг ижод йўли ҳаммамиз учун сабоқ бўлгуликдир.